

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ИСЛЯМОВА ДИЛЯРА РИЗАЕВНА

**ЗАМОНАВИЙ ФОРТЕПИАНО МУСИҚАСИ ИЖРОЧИЛИК
МАДАНИЯТИНИНГ УСЛУБИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
in art history**

Ислямова Диляра Ризаевна

Замонавий фортепиано мусикаси ижрочилиги
маданиятининг услубий тенденциялари 3

Ислямова Диляра Ризаевна

Стилевые тенденции исполнительской культуры
современной фортепианной музыки 25

Islyamova Dilyara Rizayevna

The style tendencies of the performing
culture of modern piano music 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ИСЛЯМОВА ДИЛЯРА РИЗАЕВНА

**ЗАМОНАВИЙ ФОРТЕПИАНО МУСИҚАСИ ИЖРОЧИЛИК
МАДАНИЯТИНИНГ УСЛУБИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Sap90 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.konservatoriya.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Галушенко Прина Георгиевна
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Ульмасов Фируз Абдушукурович
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Хакимова Африда Ходжаевна
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат хорсграфия академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Sap.54.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “10” 03 куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; e-mail: info@konservatoriya.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; e-mail: info@konservatoriya.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил “24” 02 куни тарқатилди.
(2022 йил “24” 02 даги 24 рақамли реестр баённомаси)



Т.Б.Ғофурбеков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Б.Ш.Ашуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

С.Б.Қосимхўжаева

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мусиқа ижрочилигининг тараққий этиб ривожланиши замонавий фортепиано мусиқаси соҳасида эришилган ютуқлар билан боғлиқ бўлиб, у инсоннинг маънавий ўсишига катта таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашув шароитида фортепиано ижрочилик санъати шиддат билан ривожланиб, ўз имкониятларини кенгайтирган ҳолда тарихан шаклланган анъаналарни қайта англаш ва янгиланиш асосида янги услубий сифатларга эга бўлмоқда. У ижрочиларга кенг тингловчилар оммасини жалб этиш ва чолғунинг бой имкониятлари туфайли аудиторияга улкан эмоционал-психологик ва тарбиявий таъсир ўтказиш имконини берувчи энг ривожланган соҳадир.

Дунё мусиқа ижрочилик илмида ижодий услуб ва ғояларнинг генераторлари бўлган турли миллий фортепиано мактабларининг илмий асосланган назариялари, амалиёти ва анъаналари муваффақиятли ривожланмоқда. Пианиночилар замонавий услубий тенденциялар ва ижтимоий-маданий муҳитга мувофиқ ижрочилик ва педагогик тамойилларга риоя қилади ҳамда услубий ранг-баранглик, кенг маънодаги ижрочилик маданияти, замонавий фортепиано санъатининг эстетик устунликлардан далолат берувчи, сифат жиҳатдан янги товуш воқеликлардан иборат модификацияланган шаклларни намоёниш этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти устувор йўналишлар ва улардан келиб чиқувчи “халқаро маданий ва мусиқий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, ёш композитор, бастакор ва мусиқашуносларни замон талаблари даражасида тайёрлаш, чет давлатлардаги таниқли композиторлар ва мусиқашунослар билан ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш”¹га қаратилган вазифаларни белгилади. Шундай қилиб республиканинг замонавий фортепиано ижро маданиятини услубий хилма-хиллик ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги намоён бўлади, шунингдек, мамлакатимизнинг бастакорлик ва ижрочилик ижодиёти ютуқларини жаҳон миқёсида намоён этишга, халқаро нуфузи ва компетентлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи республикамиз фортепиано мактабини ўрганишнинг муҳимлиги белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3212-сон қарори. - Электрон ресурс: <https://lex.uz/docs/3311829>

Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мамлакатнинг маънавий салоҳиятини самарали ривожлантиришга, маданиятлараро ҳамкорлик ва инновацион фаолиятни мустаҳкамлашга оид бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунга қадар фортепиано услуби ва маданиятни илмий категория сифатида ўрганишга бағишланган назарий тадқиқотлар жуда кам, олимларнинг бу соҳадаги мушоҳадалари бир-бирига қарама-қарши, чунки уларнинг қарашларида ҳамфикрлик кузатилмайди. Бироқ, бу вазият композиторлик ва ижрочилик ижодиётидаги услубий ранг-барангликни ўрганиш билан боғлиқ бир қатор ишларнинг илмий қийматини пасайтирмайди.

Ижро этиш услуби масалаларини ишлаб чиқишда асос бўлувчи тадқиқотлардан бири К.Мартинсеннинг “Индивидуальная фортепианная техника на основе звукотворческой воли”² асари бўлиб, унда олим ижро этишнинг турли хили мавжудлигини белгилайди. Олимнинг фикрича, ижро этиш услуби феноменига ифодалилиқни ижро этиш воситалари таъсир этади. Улар замонавий фортепиано ижрочилик санъатида ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

С.Скрёвков, Д.Рабинович, М.Михайлов, Е.Назайкинский, В.Чинаев, А.Алексеев³ ва бошқа олимларнинг ишларида XX асрнинг иккинчи ярмида кузатилган йўналишлар ранг-баранглиги хусусида сўз боради. Таъкидлаш жоизки, уларнинг асарларида фортепиано ижро услуби талқинларнинг кўплиги ва кўп вариантлилиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Д.Хошимова, А.Шарипова, Д.Мурадова ва Ф.Мухамедоваларнинг тадқиқотлари Ўзбекистон фортепиано санъатига бағишланган⁴. Ўзбекистонда пианино ижро услуби тушунчасини аниқлаган илк тадқиқотчилар орасида

² Мартинсен К. Индивидуальная фортепианная техника на основе звукотворческой воли. // Пер.с нем. В. Михелис, ред. прим. и вступ. ст. Г. Когана. - М., 1966.

³ Скрёвков С. Художественные принципы музыкальных стилей. - М.: Музыка, 1973; Рабинович Д. Исполнитель и стиль. Избранные статьи. - Вып. 1. Проблемы пианистической стилистики. - М.: Советский композитор, 1979; Михайлов М. Стиль в музыке. - Л.: Музыка, 1981; Назайкинский Е. Стиль и жанр в музыке. // Учеб.пособие для студ.высш.учеб.заведений. - М.: Гуманит.изд.центр ВЛАДОС, 2003; Чинаев В. Исполнительские стили в контексте художественной культуры XVIII-XX веков (на примере фортепианного исполнительского искусства): Автореф.дис.д-ра искусствоведения. - М., 1995; Алексеев А. Творчество музыканта-исполнителя: на материале интерпретаций выдающихся пианистов прошлого и настоящего. - М.: Музыка, 1991.

⁴ Хашимова Д. Фортепианные произведения композиторов Узбекистана. Автореф. дис. канд. искусствоведения. - М., 1985; Мурадова Д. Интерпретация фортепианной музыки. - Ташкент, 2008; Мухамедова Ф. Фортепианная музыка Узбекистана: формирование, жанровое своеобразие, интерпретация. Автореф. дисс. д-ра философии по искусствоведению. - Ташкент, 2019.

А.Шарипова ҳам бор. Пианиночи “Координаты исполнительского стиля в фортепианной музыке Узбекистана (80-90-е годы)”⁵ асарида бу тушунчанинг ўз талқинини тақдим этиб, уни мустақил ҳодиса сифатида белгилади. Ижрочилик услубига композитор ижодига нисбатан иккинчи даражали ҳодиса сифатида қарашни муҳим илмий позиция деб номлаш мумкин.

Замонавий пианино ижрочилиги услуби соҳасидаги энг сўнги тадқиқотлар қаторига Н.Драчнинг “Основные стилевые тенденции в отечественном фортепианном искусстве второй половины XX века”⁶ диссертация тадқиқотини киритиш мумкин. Олим XX асрнинг иккинчи ярмидаги Россия фортепиано санъати материалига асосланган фортепиано ижрочилик услубини чуқур назарий талқин қилишни илгари суради.

Замонавий амалиётни ўрганиш, ижрочилик услуби ва маданиятини замонавий амалиётга татбиқ этишни ўрганиш А.Корто, С.Фейнберг, П.-Л.Эмар, А.Любимов, О.Юсупова, С.Гафурова⁷ ва бошқа мутахассисларнинг турли тадқиқотлари ҳамда фикрларига асосланади. Мусиқа танқидчилари, журналистлар, тадқиқотчилар, шунингдек, мазкур иш муаллифи томонидан таърифланган мусиқачилар билан олиб борилган интервьюлар ва суҳбатлар таҳлил қилинди. Шунинг ҳам инобатга олиш зарурки, талқин этилаётган мусиқий асар пианиночининг ўзига хос мулки бўлиб, у шахсий бадиий ижод сифатида қабул қилинади, бу ижрочига ижрочилик услубининг типологик жабҳаларига субъектив асос солиш имконини беради ва унинг ижрочилик маданиятида ёрқин намоён бўлади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси “Миллий ва жаҳон мусиқа санъати соҳасида кадрларни профессионал тайёрлашнинг илмий-ижодий тамойиллари” илмий-тадқиқот иши доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади пианиночининг ижрочилик маданиятининг услубий хусусиятларини замонавий ўзбек ва хорижий фортепиано мусиқаси материаллари асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқотнинг тушунчавий апаратини кенгайтириш ва фортепиано ижрочилик услубининг типологик жабҳаларини асослаб бериш;

замонавий фортепиано мусиқасидаги устувор йўналишларни аниқлаш;

⁵ Шарипова А. Координаты исполнительского стиля в фортепианной музыке Узбекистана (80-е – 90-е годы). – Ташкент, 1999.

⁶ Драч Н. Основные стилевые тенденции в отечественном фортепианном искусстве второй половины XX века: Автореф. дис. канд. искусствоведения. – Саратов, 2006.

⁷ Корто А. О фортепианном искусстве. - М.: Музыка, 1965; Фейнберг С. Пианизм как искусство. - М.: Музыка, 1969; Гафурова С. 10 лет в новой консерватории (2002-2012 гг.). // Стремясь к творческим вершинам. – Ташкент, 2012; Гафурова С. Роль фортепианного искусства Узбекистана в процессе взаимодействия традиций Востока и Запада. // Перспективы развития традиционной музыки народов Востока. – Самарканд, 2019; Юсупова О. Роль семантического анализа в фортепианном исполнительстве. // Вопросы музыкального исполнительства и педагогики. - Выпуск V. – Ташкент, 2007; Юсупова О. Узбекское фортепианное исполнительское искусство и педагогика в годы независимости. // Вопросы музыкального исполнительства и педагогики. - Выпуск VI. – Ташкент, 2009 ва бошқалар.

ифода воситаларининг ўзига хослиги ва мажмуавий ўзаро таъсирига тааллуқли параметрларни очиб бериш;

индивидуал ижрочилик версияларини амалга оширишда ҳаракатдаги ижодий жараён механизмларини аниқлаш;

замонавий ўзбек пианиночилик маданиятида тўпланган амалий тажрибани умумлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз ва хорижда ижро этиладиган замонавий фортепиано мусиқаси танланган.

Тадқиқотнинг предмети концертлар берувчи пианиночилар ижрочилик услубининг концепциялари, ижрочилик версиялари, П.-Л.Эмар, А.Любимов, Д.Моццаканте, Ф.Копачевский, О.Юсупова, С.Гафурова, А.Шарипова, М.Файзиева ва бошқа пианиночилар ижросининг ёзувлари, ўзбек ва хорижий замонавий композиторларнинг нота матнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мусиқий асарлар яхлит таҳлилининг мусиқашунослик тамойилларидан, интонацион ва услубий таҳлил усулларидан, қиёсий таҳлил ва типологик усулдан фойдаланилди, маданиятшунослик ёндашуви, тарихий тамойили ва ахборот усули қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон ва ўзбек замонавий ижодкорлиги ва ижрочилик анъаналарида асарлардаги темпо-ритм, динамика сингари мусиқий ифодавий воситаларнинг композицион хусусиятлари миллий ижрочилик маданияти билан ўзаро муштараклиги исботланган;

умуммиллий фортепиано ижрочилигида регистр бўёқлари ёрдамида мусиқий тембр имкониятларининг кенгайиши, мазмунни ёритувчи импульсив ритмика, фактуранинг горизонтал, вертикал ва диагонал ҳолатда полифониялашуви аниқланган;

ўзбек миллий фортепиано ижрочилик услубида пианиночиларнинг чолғу билан алоқа қилишида намоён бўладиган кечиктирилган, вибрацияланган, тремоло педаллашувчи ғоя каби миллий бадиий талқин хусусиятлари очиб берилган;

ўзбек мусиқа санъатидаги замонавий ижрочиликнинг вокал ва чолғу санъатида индивидуал ижрочи-муаллифлик концепцияларига таъсир кўрсатувчи асосий интонацион, метроритмик ва ладогармоник услубий координатларнинг мавжудлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пианиночилик амалиёти нуқтаи назаридан аҳамияти тенг концепцияларнинг ўзаро бойиш жараёнини кузатиш имконини берувчи Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар замонавий фортепиано санъатининг яхлит манзараси яратилган;

мамлакатимиз пианиночилари ижрочилик услуби ва маданиятининг асос солувчи координаталари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашувлардан фойдаланиш, расмий манбаларга таяниш, илмий тўпламлар, махсус маҳаллий

журналлар ва хорижий нашрлардаги мақолалар, республика ва халқаро илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференциялар ва семинарлардаги чиқишлар, турли форматдаги илмий форумларда иштирок этиш, маълумотларнинг очиклиги ва фойдаланиш мумкинлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистондаги ижрочилик услуги ва маданияти муаммолари бўйича махсус тадқиқот саналмиш илмий-назарий хулосалар ва тавсияларга янада ишлов беришда ҳамда замонавий ўзбек фортепиано ижрочилиги борасидаги мавжуд назарий ишларни ўзида жамлаган тушунчаларнинг атамашунослик луғатини бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, илмий муомалага киритилган тушунчалар “Замонавий мусиқа ижрочилигининг назарий муаммолари”, “Замонавий фортепиано мусикаси асарларининг услубий интерпретация муаммолари” каби махсус ўқув курсларининг асосини ташкил этиши, кейинчалик эса фортепиано педагогикаси ва ижрочилиги бўйича “Пианиночининг ижро маданияти” номли ўқув қўлланма яратишда асос бўлиб хизмат қилади, шунингдек, фортепиано ижрочилик услуги муаммоларини англаб етишга ёрдам бериши ва пианиночининг кундалик ишида қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар замонавий фортепиано мусикаси ижрочилик маданиятининг услубий ранг-баранглигига бағишланган илмий тадқиқотнинг ишлаб чиқилган методик ва амалий тавсиялари асосида:

жаҳон ва ўзбек замонавий ижодкорлиги ва ижрочилик анъаналарида асарлардаги темпо-ритм, динамика сингари мусиқий ифодавий воситаларнинг композицион хусусиятлари миллий ижрочилик маданияти билан ўзаро муштарақлиги хусусида Erasmus+ “MUSAE: Санъат соҳасидаги тадбиркорлик учун фанлараро кўникмалар/ Multidisciplinary Skills for Artists’ Entrepreneurship” Халқаро лойиҳасида маъруза-тренинги ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 02-11-10-1198-сон маълумотномаси). Натижада замонавий фортепиано ижрочилик соҳасидаги билимларни кенгайтиришга ёрдам берган;

умуммиллий фортепиано ижрочилигида регистр бўёқлари ёрдамида мусиқий тембр имкониятларининг кенгайиши, мазмунни ёритувчи импульсив ритмика, фактуранинг горизонтал, вертикал ва диагонал ҳолатда полифониялашуви каби масалалар асосида Erasmus+ “MUSAE: Санъат соҳасидаги тадбиркорлик учун фанлараро кўникмалар/ Multidisciplinary Skills for Artists’ Entrepreneurship” Халқаро лойиҳасида маъруза-тренинги ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 02-11-10-1198-сон

маълумотномаси). Натижада жаҳон фортепиано ижрочилик маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш имкониятини берган;

Ўзбек миллий фортепиано ижрочилик услубида пианиночиларни чолғу билан маълум алоқа қилишида намоён бўлган кечиктирилган, вибрацияланган, тремоло педаллашувчи ғоя каби миллий бадиий талқин хусусиятларини тарғиб этиш заминида Erasmus+ “MUSAE: Санъат соҳасидаги тадбиркорлик учун фанлараро кўникмалар /Multidisciplinary Skills for Artists’ Entrepreneurship” Халқаро лойиҳасида маъруза-тренинги ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 02-11-10-1198-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек миллий фортепиано ижрочилигининг асл моҳияти англаб олинган;

Ўзбек мусиқа санъатидаги замонавий ижрочиликнинг вокал ва чолғу санъатида индивидуал ижрочи-муаллифлик концепцияларига таъсир кўрсатувчи асосий интонацион, метроритмик ва ладогармоник услубий координатлари Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг мусиқашунослик секция йиғилишида тақдим этилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2021 йил 21 июнда берилган 01-04/81-135-сон маълумотномаси). Натижада замонавий фортепиано мусиқаси ва ижрочилиги борасидаги хулосалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий конференцияларида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (шулардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда (Россия)).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, тўққиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг танланиши, унинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси ҳамда методологик базаси аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги баён этилган, ҳимояга олиб чиқарилаётган асосий ҳолатлар таърифланган, илмий ва амалий аҳамияти белгиланган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва

амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация мавзусига доир илмий адабиётлар таҳлилига, фортепиано ижрочилик услуги ва маданияти, уларнинг тизимли бирлашувидаги умумий масалаларини аниқлашга бағишланган **«Замонавий фортепиано маданиятининг услубий хусусиятларини тадқиқ этишнинг методологик асослари»** номли биринчи бобда ишнинг асосий ҳолатларини илгари суриш учун зарур бўлган хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг энг аҳамиятли ишлари ўрганилган.

“Фортепиано ижрочилик услуги ва фортепиано ижрочилик маданияти тушунчалари хусусида” номли 1.1. параграфда қиёсий-типологик таҳлил методи орқали диссертация муаммосига проекциялаш мақсадида К.Мартинсен, С.Скрёбков, Д.Рабинович, М.Михайлов, В.Чинаев, Е.Назайкинский, Д.Мурадова, Ф.Мухамедова ва бошқалар тадқиқотларининг моҳияти очиб берилади. XX-XXI асрлар чегарасида илк бор Ўзбекистонда А.Шарипова томонидан илгари сурилган ижрочилик услуги атамасига урғу берилади.

Мусикашуносликдаги ижрочилик талқинининг услубий тенденциялари билан боғлиқ замонавий тадқиқотлар Н.Драчнинг илмий ишида тақдим этилган. У тақдим этган муҳим методологик аҳамиятга эга ижрочилик услуги тушунчасига берилган таърифга қарамай, унда фортепиано ўзига хослиги етарли даражада аниқланмагани маълум бўлиб, бу мазкур таърифни мусиқа ижрочилигининг бошқа турларига нисбатан проекциялаш имконини беради.

Таҳлил этилган илмий-методологик манбалар фортепиано ижрочилиги ўзига хослигини аниқлаш ва мусиқий асарнинг маъно ҳосил қилувчи моҳиятини очиб беришга қаратилган **пианиночилик** ифода воситаларининг мажмуи бўлмиш фортепиано ижрочилик услубининг ишчи таърифини илмий фараз даражасида илгари суриш имконини берди. Бунинг асосида пианиночининг чолғу билан муайян мулоқоти ва товуш ҳосил қилиш тарзда намоён бўлувчи Ўзбекистон фортепиано ижрочилик услуги бетакрор мусиқий-эстетик феномени намоён этиши аниқланди.

Ижрочилик маданияти тушунчаси ижрочилик услуги тушунчасидан ажралмасдир, аммо шу аснода у ўзига кўплаб компонентларни жамлаган кўп даражали тузилмадир. Бу шахснинг ижтимоий, тарбиявий ва маънавий-маърифий сифатлари билан боғлиқ бўлиб, унинг малакаси, маҳорати ва тасаввурлари мажмуини намоён этади. Ижрочилик маданияти тингловчига оҳанрабодек таъсир қилувчи пианиночининг маънавий қуввати ифодасидир.

Ўзбекистон замонавий фортепиано ижрочилиги маданиятида кечаётган жараёнларнинг ранг-баранглиги ва шиддатини ўрганиш натижасида аниқландики, миллий ижрочилик мактаби европача мусиқа анъаналарнинг миллий ижрочилик тафаккури билан бир шароитда,

муттасил ўзаро таъсирда мослашуви натижасида жорий бўлган феномендир.

Ўзбек фортепиано ижрочилик маданиятида унинг миллий услуб ўзига хослиги мавжуд. Ўзбекистон пианиночилари чолғуни халқ чолғулари ва вокал санъати ижрочилигида жорий бўлган кўп асрлик анъаналарга мувофиқ ҳис этадилар. Ўзбекистон композиторларининг бадихавий ва нақшинкор усуллардан иборат мусиқасининг ўзига хослиги ҳам шундан келиб чиқади. Унинг миллий бетакрорлиги пианиночига ментал моҳиятни етарлича акс эттирувчи ижрочилик маданияти изланишларини кўрсатади.

Шундай қилиб, мазкур параграфда кўриб чиқилган тушунчалар кейинги **“Фортепиано мусиқаси интерпретациясининг типологик жабҳалари”** номли 1.2. параграфдаги тадқиқий фикрларни ривожлантиришга ёрдам беради. Фортепиано ижрочилик услубининг таснифланиши шундаки, мусиқачи шахсий индивидуал услубини очиб бериши учун кўплаб йўлларга эга бўлиб, айти пайтда композиторлик услубини ҳам акс эттиради. У қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- психологиянинг умумий масалаларидан то ижрочилик услубининг аниқ кўринишларигача;
- алоҳида кузатувлардан то ижрочилик услуби талқинининг универсал концепцияларигача.

Ижрочилик услуби муайян тизим марказидир, унинг метатизимлари шу тизимнинг динамик яхлитлигини шакллантиради. Услубий тузилма схемасининг ўнг ярми – бу эволюцион жараённинг даражалари, чап ярми эса миллий-этник, жанр-эстетик ва ментал-психологик жараёнлардир.

К.Мартинсен, Д.Рабинович, Г.Цыпин⁸, В.Чинаев, М.Холодная⁹ ва бошқаларнинг ишлари ижрочилик услубининг типологик моделларини эволюцион жабҳада кўриб чиқишга бағишланган. Ўзбекистондаги миллий ижрочилик услубини аниқлаган ҳолда диссертант томонидан бу услубнинг мусиқий ижро суръат-ритмидаги ифода мезонлари белгиланганки, бу ҳаракат, макон, замон, миллий ўзига хослик текислиги хусусидаги тасаввурлар билан параллел равишда изоҳланади.

Ижрочилик услублари типологизациясининг психологик жабҳаси экстраверсия ва интроверсия тушунчаларига мурожаат қилиш имконини беради. Экстраверсияланган услуб объектив борликни қандай бўлса, шундайлигича ифодалайди, интроверсияланган услуб эса уни ички томондан қайта ишлайди ва барча объективликни субъектив тарзда қайта яратади.

Ўзбекистондаги ижрочилик услубига хос қирралар сифатида диссертация муаллифи томонидан рефлексив услуб тушунчаси илгари сурилдики, у ўзида ижрочилик интерпретацияси жараённинг ихтиёрий

⁸ Цыпин Г. Исполнитель и техника. // Учеб. пособие для студ. муз.-пед. фак. и отделений высш. и сред. пед. учеб. заведений. - М.: Академия, 1999.

⁹ Холодная М. Психология интеллекта: Парадоксы исследования. - Изд. 2-е, перераб. - СПб. - Питер: 2002.

ва ихтиёрсиз бошқарувини амалга ошириш имконини берувчи ментал тузилмаларни жамлаган.

Шундай қилиб, ижрочилик услублари типологик хусусиятларини интеграциялаш йўли орқали пианиночининг ўз-ўзига, яъни мусиқий ижрочилик фаолияти субъектига нисбатан муносабатининг ўзига хос шакли сифатида индивидуал услуб шаклланади.

“Замонавий пианизмнинг амалий муаммолари” номли 1.3. параграфда замонавий фортепиано ижрочилигининг хусусиятлари ва бир қатор муаммолар аниқланади. Уларнинг асосийларидан бири – опусларнинг композицион ва техник мураккабликларини ўзлаштириш қийинчилиги бўлиб, бу ҳаддан ортиқ ижро эркинлигига таъсир қилади. Эркинлик муаммоси Э.Денисов ва Е.Дубинец¹⁰ асарларида турли жабҳалардан ўрганилади. Ўзбек фортепиано ижрочилигида ижро эркинлиги мусиқанинг маъноси ва ўзини мавжудлигини тушунишда намоён бўладики, унда импровизацион асос кузатилади, бу эса мамлакатимиз композиторлари ва пианиночилари тафаккурининг моҳияти тузилмаси билан белгиланади.

Бундан ташқари, замонавий ижрочиликнинг амалий муаммоларига мусиқий параметрларнинг сифат ва сон жиҳатдан ранг-баранглиги ҳам мансубки, уларнинг кўпчилигида баландлик, тембр, макон, шунингдек, ўзбек ижрочилигига хос бўлган реверберация ажралиб туради. Мазкур тушунчага кўра, ўзбек миллий чолғуларининг ўзига хос жаранги, ўзига хослиги бадиий жиҳатдан тўлақонли имитациялаш имконини берувчи фортепианонинг тембр-зарбли хусусиятини таъкидлаган ҳолда товушларни янада “табиий” ва ҳажмдор қилиб садолантирувчи чолғунинг ўзбек пианиночилари томонидан алоҳида ҳис этилиши аниқланди. Уларнинг ижроси бетакрор ва ўзига хос амплитуда-частотали хусусиятларга эга: резонанс частотаси, товуш энергиясини сўндириш қобилияти.

Замонавий мусиқий ижрочилик муаммоларини аниқлаш ва ўрганишда тембрнинг туб товуш баландликларининг ўзгаришлари кўмак бўлади. Улар туфайли замонавий фортепиано мусиқасида гармония, полифония ва айниқса, монодия ижодий жиҳатдан қайта тафаккур этилади.

Бу билан параллел равишда пианиночи-амалиётчиларнинг мусиқий-эшитиш тасаввурлари ва замонавий ҳаракатлантирувчи аппаратида чолғуда чалишнинг сенсорли-кинетик механизмлар моҳияти ўзлаштирилади. Шунга мос равишда алоҳида ифода воситаларининг табақаланиш тенденцияси келади.

Ишнинг мазкур боби диссертацион тадқиқот ғояси ва концепциясини амалга оширишда умумметодологик аҳамиятга эга.

«Замонавий фортепиано санъати: устувор йўналишлар» номли иккинчи бобда хорижий ва ўзбек замонавий фортепиано ижоди миллий ўзига

¹⁰ Денисов Э. Современная музыка и проблемы эволюции композиторской техники. - М.: Советский композитор, 1986.

Дубинец Е. Знаки звуков. О современной музыкальной нотации. - Киев: Гамаюн, 1999.

хослик ҳамда услубан бадий-ишончли ижро талқини хусусиятларини аниқлаш нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

“Фортепиано муסיқасининг услубий ранг-баранглиги” номли 2.1. параграфда замонавий фортепиано муסיқасининг умумий панорамаси кўриб чиқилади. Унда ҳам анъанавий лад-тоналликка асосланган асарлар, ҳам мураккаб партитураларни тақдим этувчи намуналарни ўз ичига олган турли жанр ва услубларнинг бир пайтда мавжудлиги кузатилади. Бу борада Ўзбекистон композиторлари, замонавий ёзув техникасининг замонавий турларидан фойдаланиб, регламентдан четга чиқмайди ва мумтоз қатъийликка риоя қилади. Аини пайтда бошқа миллий мактаблар пианиночининг композиторлик амалиёти устидан эркин устунликка эга бўлишига журъат қиладилар.

Замонавий ўзбек композиторлик ижодиётида кўп жиҳатдан маданиятлараро алоқалар доирасининг кенгайиши билан боғлиқ шиддатли услубий янгилаиш юз беради. Буларнинг барчаси умумий тенденция билан тавсифланади, яъни эмоционал интеллектуализмга интилиш билан. Бу ҳам композиторлик, ҳам ижрочилик маданияти даражасида намоён бўлади.

Анъанавий ёзув техникасини қайта тафаккур этган америкалик композитор С.Барбер, шунингдек, ўз опусларида дадил экспериментлар қилган Ж.Кейдж ва Ж.Крамбнинг фортепиано ижодида замонавий муסיқанинг янгича ривожланиш йўллари кузатилади. Венгер-Австрия композитори Д.Лигети қаламига мансуб фортепиано этюдларининг уч дафтари баландлик тизими ва сонорликнинг тузилмавий ранг-баранглигини ўрганишда муҳим жабҳа ҳисобланади.

Замонавий фортепиано муסיқасида кўпинча татар композитори Р.Яхиннинг “Булбул” миниатюрасида, туркман композитори Н.Халмамедовнинг “Дутор овози”, А.Набиевнинг “Тановар”, Р.Абдуллаевнинг “Зумлак”, И.Иофенинг “Сталактитлар”, Н.Махаровнинг “Discussion”, қозоқ композитори Н.Мендигалиевнинг “Дўмбира ҳақида афсона”, А.Сафаровнинг “Токката” ва ўзбек халқ кўшиғи “Ҳай бола, бола” мавзусига вариациялар каби асарларида ёрқин ифодаланган миметика (товуш тақлиди) усули кўпинча қўлланилади.

Фортепианони тайёрлаш борасида композиторлар бир қатор предметлардан фойдаланидилар. Бу – ҳар хил ластиклар, қоғозлар, турли кўринишдаги матолар, металл буюмлар, бурама михлар. Д.Сайдаминованинг “Ҳайём билан суҳбат” туркумида чолғунинг зарбли табиатини ажратиб кўрсатиш мақсадида кенгайтирилган фортепиано усулидан фойдаланилган. Композитор ижодида миллий маданий анъаналар хорижий фортепиано муסיқасида кузатиладиган энг сўнгги ютуқлар билан табиий равишда уйғунлашади. Бу ҳолат туркман композитори Р.Аллаяров ва тожик композитори З.Миршакар ижодига ҳамоҳангдир.

З.Миршакарнинг “Фортепиано учун 12 байт” асарида монодийликни таъкидловчи чизикли кўповозлик усулидан фойдаланилади. А.Мансуровнинг фортепиано учун Сонатаси ва Д.Янов-Яновскийнинг “Импровизация ва

токката” номли микротуркумида ҳам шундай усул кузатилади. Д.Амануллаеванинг “Самарқанд манзаралари” номли туркуми миллий санъатдан барпо бўлган сюжетли-шеърый асосни ўзида жамлаган бўлиб, уни Б.Бартокнинг ор.14 Сюитасига қиёслаш мумкин.

И.Пинхасовнинг “Вақтни қувиб” номли асарида вақтнинг бешафқат югуришини тўхтатиш ғоясининг хомхаёллиги ифодаланади. Австралиялик композитор Ж.Кокраннинг фортепиано учун Сонатасида куй, гармония ва модуляцияни такомиллаштиришга интилиш орқали технологик новация – “занжирли гамма” яратишга эришилди.

О.Абдуллаева, Х.Ҳасанова-Турсунова ва Н.Эркаевнинг фортепиано асарлари миллий муסיқа ҳисси ва атроф-олам гўзаллигини идрок этиш ила яралган сержило муסיқий образлари билан тавсифланиб, бу озарбайжонлик композитор Р.Гасанованинг “Фортепиано учун Соната” муסיқасига ҳамоҳангдир. Услубий тенденциялар борасида А.Содиқованинг фортепиано асарлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Унинг “Туш” номли асарида ифодаланган микромавзуийлик замонавий тафаккурнинг муҳим хусусиятини – шаклни тузилишида мотив ячейкаларининг янги ролини аниқлаш имконини беради. Бу эса замонавий муסיқа санъатида кечаётган микрожараёнларга нисбатан алоҳида эътибордан далолат беради ва замонавий инсоннинг мураккаб психологик тузилмаси, унинг нозик маънавий ҳаракатининг аксидир.

Композиторлик ёзувининг кенг тарқалган усуллари орасида кластерлар ҳам мавжуд. Кластер техникасидан фойдаланишнинг энг юқори чўққиси россиялик композитор Г.Уствольскаянинг 6 Сонатасида кузатилади. Н.Махаровнинг “Schostakovitch” пьесасида бир неча такт давомида ривожланувчи авж нуктаси ўнг ва чап қўл партияларидаги кластерларни намоён этади.

Ж.Кейдж, австралиялик композитор А.Пертут, озарбайжонлик композитор Р.Гасанова, ўзбек композиторлари Н.Зокиров ва Н. Ғиёсовларнинг асарларига алеаторик муסיқа яқин туради.

Замонавий композиторларнинг фортепиано асарларида электрон ва компьютер технологиялари янада фаолроқ қўлланилмоқда. Жумладан, япониялик композитор Д.Ямамото ўзининг “Рояль учун мутлақ муסיқа № 2” асарида компьютер графикасидан фойдаланган ҳолда электроника орқали бошқариладиган “автоматик рояль”ни қўллайди. Бу замонавий композиторлик амалиётининг самарали новациясидир. Шу билан бир қаторда, Америка-Мальта композитори А.Шорнинг фақат чолғу имкониятларига таянган фортепиано муסיқаси сўзсиз аҳамиятга эгадир ва барча технологик усуллар мўл-кўллиги кесимида унинг янгиллиги янада кучаяди ва тингловчилар томонидан самимий қабул қилинади.

Шундай қилиб, замонавий композиторлик ижодиётининг услубий жабҳалари жаҳоннинг турли композиторлик мактаблари билан ўзбек мактаби ўртасидаги типологик умумийликни кўрсатадики, бу ўзбек композиторлик

мактабини сифат жиҳатдан жаҳон маданияти билан бир даражада юксак баҳолаш имконини беради.

“Композиторлик ва ижрочилик концепцияларининг ўзаро таъсир этиш жараёнлари” номли 2.2. параграфда замонавий фортепиано асарларининг кўплаб ранг-баранг ижрочилик талқинлари билан боғлиқ услубан мақсадли ижрочилик талқинлар масалалари ўрганилади. Замонавий композиторлик усуллари ижрочиликда ўз аксини топади, янги ижодий вазифалар ва чапиш усулларини яратишга таъсир этади, услубга таъсир қилувчи янги товушлар оламларини очиб беради.

Замонавий фортепиано асарининг услубан мақсадли ижрочилик талқини қуйидагиларни ўз ичига олади:

- нота матнини ичидан таҳлил қилиш, у асарнинг маъно туғдирувчи тузилмасини белгилаб беради;
- мазмуний, композицион ва техник хусусиятларини аниқлаш;
- композиторнинг асосий ижод устунлари ва аниқ асарнинг яратилиш тарихи хусусидаги нашрларни ўрганиш;
- асарни тарихий ва маданий жабҳаларда таҳлил қилиш;
- асарнинг бадиий образини ўзида жамловчи ва очиб берувчи асосий мусиқий ғояни тушуниш.

Асарни мос равишда ижро этиш учун талқиннинг етакчи таркибий қисмлари сифатида эмпирик, семантик, метроритмик, тизимли ва ижодий таҳлиллар хизмат қилади. Бу аснода пианиночининг ижрочилик маданияти санъатнинг бошқа турлари, адабиёт, тарихни ўрганиш, шунингдек, турли услуб ва йўналишлар мусиқасини тушуниш устида муттасил ишлаш орқали шаклланади.

Шундай қилиб, композиторлик ва ижрочилик концепцияларининг ўзаро таъсири борасида пианиночи ўзидаги интеллектни эмоционал табиийлик билан, ноодатий тафаккурни композиторлик ғоя ва мусиқанинг ёрқин товуш палитрасида, катта экспрессия билан тўйинтирган ҳолда моҳирона етказиб бера олиш билан узвий мужассамлаши керак.

“Ўзбекистонда индивидуал пианиночилик ечимларини излаб топиш” номли 2.3. параграфда мамлакатимиз пианиночиларининг ижрочилик услублари ёрқин ифодаланган намуналарида бир қатор муаммолар қўйилиб, улар ижрочиларнинг индивидуал версияларини амалга ошириш жараёнида ҳал этилади. Бу аснода, уларнинг тамойиллари жаҳон кесимидаги ижрочилик маданиятини ривождаги миллий ўзига хосликка мўлжалланган.

Ўзбекистон пианиночиларининг, Ўзбекистон давлат консерваторияси “Махсус фортепиано” кафедраси намоёндаларининг индивидуал ижрочилик услублари мажмуавий таҳлил асосида кўриб чиқилган. Кафедра пианиночиларининг ижрочилик услублари бутун хилма-хиллигини ўрганишда пианиночиларининг ижрочилик фаолияти замонавий фортепиано асарлари талқинида классик аниқлик ва гармоник ихчамликни ўзида

жамлаган умумий типологик хусусиятлари аниқланади. Бу ҳолат шаклланган миллий фортепиано мактаби хусусида сўзлашга имкон беради.

Бунга эмоционал қаршилик А.Шарипованинг серқирра фаолиятидир. Унинг ижодий изланишлари таҳлили шуни исботладики, пианиночи замонавий фортепиано асарларининг инновацион ижроси учун зарур бўлган барча билим ва малакаларга эгадир.

А.Шарипова эга бўлган индивидуал услуб, унинг ижросига алоҳида аҳамият бахш этиб, мусиқанинг тембр-колористик моҳиятини, миллий ритмларни, мелизматика билан боғлиқ миллий оҳангларни етказиб беришни ўзида жамлаган миллий услубни мустақкамлашга ёрдам беради. Пианиночининг ижрочилик услуби серқирра, у ижрочининг инсонийлик сифатлари, қобилиятининг эрта намоён бўлиши ва артистлик истеъдоди, хорижий фортепиано педагогикаси ва ижрочилигининг буюк дарғалари билан профессионал мулоқот, шунингдек, пианиночининг психологиясидан туғилади.

Шундай қилиб, мамлакатимиз пианиночиларининг турли услубларини ўрганиш, замонавий фортепиано мусиқасини талқин қилишда Ўзбекистон пианиночилари ижрочилик услубларининг кўплиги хусусидаги диссертация тадқиқоти концепциясини исботланган ҳолда тасдиқлайди.

Мазкур бобда кўриб чиқилган композиторлик ижодиёти ва мусиқа ижрочилигининг услубий ўзаро ҳаракати ва ўзаро таъсир жабҳалари замонавий фортепиано санъати ривожининг интенсив динамикаси учун сермаҳсул бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Пианиночининг ижодий жараён механизмлари»** дея номланиб, унда асар жанри ва образли оламини кенг қамровда очиб беришда ижрочилик услубини тафаккур этишнинг долзарб масалалари, шунингдек, индивидуал услубни яратишда, ижрочилик ифода воситаларининг муайян доирасини танлашда пианиночиларнинг амалий жабҳалари ёритилади.

“Ижрочи–услуб–жанр–асарнинг образли олами” номли 3.1. параграфда жанр типологизациясининг ишлаб чиқилган методи асосида А.Набиевнинг “Тановар” пьесаси О.Юсупова, С.Гафурова ва З.Мухамеджановалар ижро талқинида таҳлил этилади. О.Юсупова қатъий “эпик” ижрочиликнинг моҳир устаси сифатида шундай олам ҳиссини ярата олдики, унда эгоцентрик “мен” ғойиб бўлди. У мазкур асарнинг теран мазмунли серқирра аҳамиятига эришди, пьесанинг илк ўқилиши эса унинг ижрочилик анъаналарига асос солди.

С.Гафурова “лирик” ва “эпик” ижрочи сифатларини ўзида қамраб олган ҳолда товуш бўёқлари ва мистик жумбоқлик борасида янги қирраларни очиб берди. З.Мухамеджанованинг талқини мусиқий материалнинг ташқи жиҳатдан самарали етказилишига мойил. Бу ўзига хос гиперболик пианиночилик усуллари ҳамда яққол кинесикада намоён бўлади.

Асарнинг асосий мавзусини очиб берувчи мусиқий образ борасида С.Вареласнинг “Бу такрорланиши керак эмас” номли фортепиано

туркумининг талқини икки авлодга мансуб ёрқин пианиночилари – О.Юсупова ва М.Файзиёва ижросида кўриб чиқилади. Мусиқанинг драматургияси билан ўзаро ҳаракатга киришиб, семантик ассоциативлик санъатини профессионал даражада эгаллаган О.Юсупова ўз талқини билан уруш образларининг кенг миқёсдаги панорамасини, ёрқин образлар яхлитлигини яратди. М.Файзиёва ўз талқини билан товушларда ваҳимали даҳшат, муқаррар кўрқув ва айни пайтдаги қаҳр-ғазаб каби эмоционал ҳолатларни акс эттириб, ижрони динамик экспрессия ва ташқи тасвирлаш билан тўлдириб, тингловчига чуқур таъсир кўрсатишга эришган.

Композитор томонидан яратилган шунга ўхшаш товушли образ сифатида А.Шорнинг “Буюк Қамал Образлари” номли фортепиано миниатюралари туркуми россиялик пианиночилар Ф.Копачевский, Е.Ключерева ва италиялик пианиночи Ж.Моццаканте талқинида таҳлил этилади. Мазкур туркумнинг ижрочилик версиясида Ф.Копачевский томонидан қўлланилган услуб уни ижрочиларнинг лирик-эпик тоифасига мансуб дейиш имконини беради. Ижронинг оддийлиги, теран пухта ўйланганлиги ва саводчилиги Е.Ключерева услубини ажратиб туради ва уни эпик тоифага киритиш имконини беради. Ж.Моццаканте ижроси жарангнинг катта теранлиги билан тўлдирилганки, бу мазкур туркумнинг барча бадий образлари ифодасида намоён бўлади ва тингловчига кучли таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, асарнинг жанри ва образли олами ўзаро чамбарчас боғлиқликда бўлиб, ижрочига у ёки бу услубни танлаш масаласига индивидуал ёндашиш имконини беради.

Пианиночи индивидуал ижрочилик услуби шаклланишида у томонидан танлаб олинган ижрочилик ифода воситаларининг муайян доираси катта аҳамият касб этади. Бу ўз ижодида замонавий фортепиано мусиқасига мурожаат қилган Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар пианиночиларининг ижрочилик услублари асосида **“Фортепиано асарларининг бадий ғоясига эришишда ифода воситалари”** номли 3.2. параграфда таҳлил этилади. Бунда тадқиқот позицияси услуб пианиночининг барча мўлжалларига асосланган, унинг ифода воситаларининг танланиши унинг концепцияси билан белгиланади.

Темпо-ритмга катта эътибор қаратилади, чунки у композиторлик ғояси билан чамбарчас диалектик боғлиқликда бўлиши, мусиқанинг бадий йўналишига қаршилиқ қилмаслиги ва унинг характерини белгилаши керак. Шунга кўра бу ерда Д.Лигетининг Этюдлари полифоник туркумининг П.-Л.Эмар томонидан, Ж.Кокран Сонаталарининг С.Гололобова ва Д.Турсунова томонидан, С.Барбернинг ор.26 Сонатаси К.Броберг ва диссертация муаллифи томонидан, Қ.Ғуломжонов Сонаталари композиторнинг ўзи томонидан, А.Исакова “Токкаталар”и Д.Немов томонидан, И.Пинхасовнинг “Вақт ортидан қувиб” асари М.Жукова томонидан, А.Шёнбергнинг ор.33 Пьесалари Л.Кабдурахманова ва бошқа ижрочилар томонидан талқин қилиш версияларига урғу берилади.

Артикуляция, штрихлар ва туше ҳам композиторлик, ҳам ижрочилик услублари индивидуаллигини энг нозик тарзда аниқлаб беради. Бу пианиночининг ижрочилик маданияти, унинг менталитети орқали аниқланувчи товуш садолантиришда намоён бўлади. Санаб ўтилган ифода воситалари Ф.Бадалбейлининг шахсий композицияси бўлмиш “Денгиз” интерпретацияси мисолида, Н.Мендигалиеванинг “Дўмбира ҳақида афсона” асари Ж.Абубакирова ижро талқинида, Н.Халмамедовнинг “Дутор товуши” М.Гусейнов талқинида, Д.Зокированинг “Фортепиано учун балладаси” Ф.Мухамедова талқинида, Г.Демесинов “Баллада”си А.Отегенов ижросида, Н.Махаровнинг “Schostakovich” пьесаси композиторнинг шахсий талқинида кўриб чиқилган.

М.Жойозо томонидан ижро этилган Ф.Маннининг ор.115 Учинчи сонатаси, М.Файзиева томонидан ижро этилган Д.Янов-Яновскийнинг “Импровизациялар ва токкаталар” ҳамда “Силуэтлар”и, Ж.Готлиб томонидан чалинган Ж.Крамбнинг “Макрокосмос”и, А.Любимов томонидан ижро этилган Г.Уствольскаянинг “№6 Сонатаси”нинг таҳлил қилинган ижрочилик версиялари динамик профилни аниқлашга, унинг ижрочилик концепцияси таъсирига қаратилган.

Замонавий ижрочилик воситалари доираси чолғу торлари бўйлаб чалиш зарурати билан боғлиқ янги усулларни излаб топиш билан изоҳланади. Диссертация муаллифи бу борада К.Вудард томонидан ижро этилган А.Содиқованинг “Туш” пьесаси ва композитор А.Сафаровнинг шахсий ижродаги ўзбек халқ кўшиғи “Ҳай бола, бола” мавзусига вариациялар ижро талқинларини таҳлил қилади.

